# "ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ"

Марғилон шаҳридаги 24-умумий ўрта таълим мактабида янги сунъий қопламали стадион қуриб битказилиб фойдаланишга топширилди.

“Фуқаролар ташаббуслари жамғармаси” ҳисобидан Марғилон шаҳар "Чароғон" МФЙ ҳудудидаги 24-умумий ўрта таълим мактабига сунъий қопламали стадион қуриш ташаббуси ғолиб деб топилиб, 540 млн. сўм маблағлар ажратилган эди.

Қурилиш ишлари бош пудратчи - "Фарғона Шамс Файз" МЧЖ томонидан олиб борилди.

Бугун шаҳар ҳокими А.Зиявитдинов, сектор раҳбарлари ҳамда мактаб жамоаси иштирокида ушбу спорт майдонининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

2023-05-16 13:36:51